



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 18 декабрь, № 244 (4654)

Пайшанба

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади. Куйида ана шу нутқнинг баёни эълон қилинмоқда.

Юртбошимиз аввало, Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, унумдор тупроғи, бутун дунёга машҳур ишлаб чиқариш қорхоналари, инфраструктура ва коммуникациялари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқига ўз ҳурмати билдирди.

Истиқлол йилларида ана шу салоҳиятни янада юксалтириш, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўп иш қилинмоқда. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажми эса 30 фоизга ўсгани шу йўлдаги ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 987 миллиард сўмдан ортқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 110 миллиард сўмдан зиёдини ҳорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 83 фоизини тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ташкил этди.

Вилоятда sanoat soxasini modernizatsiya qilish b'uyicha ham bir qator ishlar amalga oshirilmokda. Keyingi ikki yil davomida Olmaliq shahridagi "Amfos" zavodida mineral ug'itlar, Bekoboddagi Uzbekiston metallurgiya kompaniyasida katanka va elektrod ishlab chikaradigan yangi kuvvatlar ishga tushirilgani, Urgatichik tumani polietilen plenkasi tayirlaydigan

korxonalarini rivojlantirish, aholi xajatining sifatini yaxshilash va yuksaltirishga qaratilgan yirik loyihalarni izchil amalga oshirilmokda.

Prezidentimiz viloyat aholisining mehnati bilan erishilayotgan yil davomida yanada natijalarni zatiyrof etgan holda, yigilish ishchilikchilari zatiyrofini viloyat olidida turgan, ammo ayrim sabablarga k'ura bajarilmagan qolgan ishlar, echanilagan muammolarga karatdi. Chuki bugungi keshin raqobat sharoitida ushi sur'atlarini yuqotmaslik, xalqimizning toborasini oshirish, yil kuyilgan xato va nuqsonlarni, hal etishga kurbinasiz etmagan masalalarni uz nomi bilan aytish va turgu xulosa chikarishni talab etadi, deb ta'kidlagi davlatimiz rahbari.

Shu kuz bilan qaraganda, Toshkent viloyatining iqtisodiy ushish sur'atlari bugungi kunda konikarli emas. Sessiyada bu haqda atroflicha fikr yuritilib, mavjud kamchilik va nuqsonlar, ularni bartaraf etish yuylari kursatib utildi.

Avvalo, viloyatda joylagan respublika ahamiyatiga molik korxonalarini istisno qilganda, aksariyat tumanlarda sanoat soxasi rivojida jiddiy oqsoqlik kuzga tashlanmokda.

Masalalar, O'xangaron, Parkent, Pskent, B'uka, Bekobod va O'q'urg'on tumanlarida yalpi hududiy ma'hsulot tarkibida sanoatning ulushi 0,4-0,7 foiz darajasida qolib kelmokda. Joriy yilning utgan davrida viloyatdagi sanoat korxonalarining 18 tasi, jumladan, Chirchikdagi "Bursel" Toshkent tekstil", Angrendagi "Sanoat-qalindog'ozsavdo" korxonasi, "O'xangaron shifer" aksiyadorlik jamiyati ma'hsulot ishlab chikarish hajmini 192 milliard s'umga pasaytirib yuborgan.

Viloyatda turgidan-turgu horijiy investitsiyalarni jalb kiliy b'uyicha muayyan ishlar bajarilgan bulsa-da, O'q'urg'on, Bekobod va B'uka tumanlarida utgan davrda bunday investitsiyalar umuman jalb kilingan. Ana shunday kamchiliklar tufayli viloyatda shu yilning 9-oyi davomida eksport hajmi 4,7 foizga pasaygan, mahalliy tasarrufdagi korxonalarining eksportdagi ulushi esa atigi 3,4 foizni tashkil etmokda.

Ma'halilayshirish dasturi doirasida va kasanchilikni rivojlantirish b'uyicha amalga oshirilayotgan ishlarini ham konikarli, deb bulmaydi. Buni Ma'halilayshirish dasturi asosida ishlab chikarilayotgan ma'hsulot hajmi respublika miqyosida 15,8 foizni tashkil etgani holda, Toshkent viloyatida atigi 0,22 foizdan ibo-

rat bulib qolayotgani yaqqol kursatib turibdi. A'xvol shunday bulishiga qaraganda, joriy yilda 5 ta loyihaga b'uyicha umuman ish boslanmagan, 8 ta loyihaga b'uyicha esa belgilangan ishlab chikarish rejasi bajarilmagan. Joriy yilning utgan davrida viloyat b'uyicha jami ishlab chikarilgan sanoat ma'hsulotining umumiy hajmida yirik korxonalaridagi kasanchilik hisobidan ishlab chikarilgan ma'hsulotning ulushi yirim foizni (0,2 foiz) ham tashkil etmagan.

Prezidentimiz yana bir muhim masala — ixtimoiy soxat ob'ektlarini uz vaqtida foydalaniyga topshirish borasida oqsoqlik holatlari kuzga tashlanayotgani haqida tuxtalib, xisobot davrida Toshkent tumani K'utxarak qishloqida kasb-xunar kolleji, Olmaliq shahri, B'ustonlik, B'uka, Parkent va Pskent tumanlaridagi bir qator ta'lim muassasalarida kurilish, ta'mirlash ishlarini yuqori tashkilotlarining aralashuvidan keyingina ayuniga etkazilgani aytib utdi. Bunday tashqari, kurilish bilan bog'liq tendensiyalarni tayirlash va utkazish jarayoni viloyat rahbariyati tomonidan nazoratga olinmasdan, uz xoliga tashlab kuyilganiga ham mahlisda zatiyrof karatildi. Ana shunday zatiyrofchilik kuyiyatidan ayrim nopok kimsalar foydalaniy qolishga uringan. Xususan, viloyat Y'ona buyurtmachi xizmatini injiniring kompaniyasining sobiq rahbari A. Rashidov tenders qolibligini faqat uzini manfaatdor bulgan pudrat tashkilotlariga berib kelgan. Shu borada viloyat "Issiklik manbai" korxonasi rahbari O. Saidov va "Xarakat-zamon" xususiy firmasi boshligi X. Kurganbaev uzaro jinoyat tili biyiriktirib, ixtimoiy ob'ektlarini kapital ta'mirlash uchun ajratilgan byudjet

ma'blaglarini uzlashtirib, davlatga 254 million s'umlik zarar etkazgan. Bunday konung xilof ishlar yuzasidan respublika huquq-tartibot idoralari tomonidan aybdorlar javobgarlikka tortilgani haqida yigilishda ma'lum kilingi.

Xozirgi vaqtda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish ma'lakatimizning bugungi va erangi ha'iti uchun ut muhim ahamiyatga ega. Af'uski, viloyatda bu boradagi a'xvol ham talab darajasida emas. Joriy yilning birinchi yarimida 7 ta tuman va shaharda tadbirkorlikka oid konun hujjatlarini ixrosi yrganilganda, 2 ming 500 dan ortiq konunbuzarlik holati aniqlangan. Tixorat soxasini, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, unga barcha imkoniyat va imtiyozlarni yaratib berish urniga viloyatda bunga teskari bulgan ishlar kuzatilganda. Shuning natijasida bosqa viloyatlariga nisbatan katta ustunligi bulgan Toshkent viloyatida xali-beri k'ungina tumanlar moliyaviy dotatsiyada qolib kelmokda.

Viloyat iqtisodiyatining muhim tarmoni bulgan qishloq x'ujaligidagi, ayniqsa, paxtachilikdagi a'xvol hamimizni, avvalo, umid bilan dalada mehnat qilayotgan zahmatkash dehqonlarimizni koniktirmaydi, dedi Y'urtboшимiz.

Bu yil ishni tashkil etishdagi jiddiy kamchiliklar, agrotexnik tadbirlarning uz vaqtida va sifatli utkazilmagani, jumladan, yigim-terim mavsumida safarbarlik va yuqorqlik etishmagani tufayli paxta tayirlash b'uyicha belgilangan reja 87 foizda qolib ketdi, hosildorlik esa 25,5 urniga 22,3 sentnerni tashkil etdi, xolos.

(Davomi 2-betda).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги УРҚ-76-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 11-модда куйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тuzилди»;

2) 12-модданинг иккинчи қисмидаги, 13-модданинг иккинчи қисмидаги ва 14-модданинг иккинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 17 декабрь  
№ УРҚ — 191

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,  
янгиликлар,  
хабарлар

Чироқчи туманидаги Қўдала  
кўрғонда «Leather Karshi»  
Ўзбекистон-Греция-Швейцария  
қўшма корхонаси ташкил этилди.

## Кўқдалада қўшма корхона

Унинг 150 минг АҚШ доллари ҳажмидаги низом жамғармаси маҳаллий ишбилармон Алишер Худойбердиев ҳамда ҳорижий ҳамкорлар сармоясидан иборат.

Корхонада тери қайта ишланб, чарм маҳсулотлар тайёрланади. Хитойдан олиб келинган технология линия бир ойда 20 минг донагача терига дастлабки ишлов бериш қувватига эга. Қайта ишланган маҳсулотта харидор ҳам тайёр. Тошкент шаҳридаги «RLM» Ўзбекистон-Греция-Кипр қўшма корхонаси Қўдала чармидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун шартнома тuzди.

Б. ҚОБИЛОВ.

Гулистон давлат университетида раҳбар кадрларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

## Раҳбар кадрлар ўқуви

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир доирасида олий таълим тизимидagi раҳбар кадрларнинг ахборотлаштириш соҳасига оид конунчилик, компьютер технологиялари асослари ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича билим ва малакаларини ошириш мақсадида назарий-амалий машғулотлар ўтказилди.

(Davomi 2-betda).

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қoшида корхона бошқаруви тренинг маркази иш бошлади

## Янги марказ иш бошлади

Мазкур марказ Халқаро тренинг маркази ва БМТ Ривожланиш дastури билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ташки иқтисодий, реклама, маркетинг ва консалтинг, ахборот-технологиялар соҳасида фаолият курсатаятган мутахассислар малакасини мунтазам равишда ошириб боришга қўмаклашиш мазкур марказнинг асосий вазифасидир. Шунингдек, марказ корпоратив бошқаруш самардорлигини ошириш ва ахборот олиш йўлларини кенгайтириш хисобига муваффақиятли ва даромадли корхоналарни шакллантиришга қўмак беради.


Ш. ЗАЙНИЕВА.

Жондор туманидаги «Евронар» қўшма корхонасида нафақат пaxта чигити, балки кунгабоқар уруғидан ҳам мой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

## Кунгабоқардан тоза маҳсулот

Корхона шартномага мувофиқ, фермер хўжалиқларини зарур уруғлик ва минерал ўғит билан таъминлади. Натияжада тақоррий экин сифатида экилган 800 гектар майдондаги кунгабоқардан дурут ҳосил олинди. Қўшма корхона йил охиригача 150 тонна кунгабоқар мойи ишлаб чиқариб буюртмачиларга etkazиб беради.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилган ишлар ҳолати, муаммо ва ечимлар» мавзусига бағишланган конференция ўтказилди.


Анқуманда ахриси йод танқислигидан азият чекаётган давлатлар тажрибасида бу муаммонинг ечимини самарали ҳал этиш учун ош тузини йодлаш бўйича конунлар қабул қилинганлиги, шунингдек, юртимизда ҳам шу соҳага йўналтирилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун 2007 йил май ойидан амалда эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, мазкур қонунда йодланмаган ош тузининг дўконларда сотилиши, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, ташилиши ва Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган. Шунга қарамадан қонун ижроси бўйича назорат-таҳлил ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро,

(Davomi 2-betda).

## КўНГИЛЛАРДА АЙЁМ ШУКУҲИ

Муаззам пойтахтимизнинг бош майдони бугун ўзгача тароват касб этган. Барчага бирдек қувонч улашувчи яқинлашайотган қутлуғ Янги йилнинг бетакрор шуқуҳи Мустақиллик майдони узра қад ростлаган мухташам арча ва унинг атрофидаги шоду хуррамлик мисолида намoён бўлмоқда.



М айдонда бунёд этилган эртанамо шаҳарчада сайр этаркансиз, болақонларнинг шўх-шодон қулгуси, яхши ниятлари қўтаринчи кайфиятга ҳамоҳанг ширин сўхталарга гувоҳ бўлиб, дилингиз яйрайди. Ранг-баранг ўйинчоқлар, Қорбоёу Қорқизнинг қутилиган совғалари, турли эртак қаҳрамонлари ихросидagi театрлаштирилган томошалар, совғалар ярмаркаси — бари-бари ажиб жозибаси ила кўнгилларни хушуд этади.

Кириб келаятган янги йилнинг 10 январига қадар давом этадиган ушбу байрам тантаналари Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бир-

лашмаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. ... Эртаклар шаҳарчасида мактаб, лицей ҳамда коллеж ўқувчилари, талаба ёшлар, жажжи кичкинтойлар ва уланинг ота-оналари ажиб завқ ила сайр этишмоқда. Улар орасида бир олам орзу-умид ила бахт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар ҳам бор. — Бугун биз янги оила сифатида мустақил ҳаётга қадам қўймоқдамиз, — дейди келин-куёв Фаридхон ва Раҳматжон Аҳмедовлар. — Ҳаётимиздаги энг унутилмас кун ана шундай шодияналар йўғулигида бошланаятганидан қувонимиз чексиз. Бугун шу азиз майдонда туриб, келгусидаги бахтиёр ҳаётимиз ҳақида ширин орзулар қилаёلمиз. Тотув ва аҳил оила бўлиб, юрт тараққийига муносиб хисса қўйишни ниёт қилдик. Зеро, Юртбошимизнинг ёш оилалар фаровонлигини таъмин-



лаш, мустақил ҳаёт бошлаган йигит-қизларни моддий ва маънавий бундай қўллаб-қувватлаш борасидаги ғам-хўрликларни биз, ёшларнинг фаровон турмуш кеңиришимизни, бахтимиз бутунлигини кафолатлайди.

— Тинч-осуда кунлар ярашиши саналмиш бундай гузал шодияналар эзгу ниятли эллагагина хосдир, — дейди фарғоналик Илбeкxон Қудратов. — Фарзандларимни Мустақиллик майдонига — чин сайилга олиб келиб, ўзимнинг ҳам баҳри-диллим очилиб келди. Тилагим, ана шундай қувончли кунлар юртимизда ҳамisha бардавом бўлсин. Бахтимизга, осойишта ва тўқун ҳаётимизга қўя тегмасин!

Байрам ташкилотчиларининг маълумот беришича, Мустақиллик майдонидagi тантаналар доирасида танкичи санъаткорлар ихросидagi концерт дастурлари, театр усталари томонидан сахналаштирилган эртак-томошалар, турли кўнгилочар ўйинлар, беллашу ва кечалар ўтказилади. Янги йилга-бағишланган шодияналар, шунингдек, мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳару қишлоқларида ҳам давом этади.

Муборак ОХУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят қишлоқ ҳўжалигидаги яна бир етакчи тармоқ - галлачиликдаги ахвол ҳам Президентимиз томонидан кенг таҳлил қилинди. Бу соҳа ривожини йўлида тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг тўб илдизлари кўрсатиб берилди. Соҳада авваломбор, ишни замонавий усулда ташкил қилиш, илгор агротехнологияларни жорий этиш, серхосил навларни танлаб экиш ва шу асосда галлачиликнинг самарасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Кейинги уч йил давомида галла ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача 41 центнерни ташкил этгани ҳолда, вилоятда бу кўрсаткич 38 центнердан ошмапти.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда агрофлича тўхталиб, биринчи навбатда ерга муносабат, бугун замон талаб қиладиган мулкчилик соҳасида ислохотларни ўз вақтида ва оқилона амалга ошириш, одамларда мулкдорлик ҳиссиётини тарбиялаш, ерни ҳақиқий эгасига топишириш, айниқса, фермерлик ҳаракатини чуқур ўйланган ва асосланган дастур бўйича ташкил қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Аммо Тошкент вилоятида фермерларга керакли имтиёз ва шароитларни яратиб бериш масаласида оқсоқлик ва шошма-шошарлик ҳолатларига, айрим туманларда ҳатто қонунга хилоф ишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Шу муносабат билан Президентимиз бугунги фермер қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши зарурлигига алоҳида урғу бериб, фермерлар, аввало, ернинг, деҳқончиликнинг сир-асорини пухта билиши керак, деди. Шундай хусусиятга эга бўлмаган тасодифий кишилар фермер бўлишга ҳақиқий борми, деб масалани қатъий қўйиб пайти келди. Чунки табиатан деҳқончилик илмидан узоқ бўлган, билими ва тажрибаси етмайдиган одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди.

Бугунги ҳақиқий фермерни универсал деҳқон, деб аташар, арзийди, албатта. Яъни, ҳақиқий фермер нафақат қишлоқ ҳўжалигини, деҳқончиликни, керак бўлса, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий масалаларни, энг муҳими, тупроқ сирини билладиган, замонавий техника билан муомала қила оладиган, ер билан тиллашишга тайёр инсон бўлиши даркор. Фақат шундай инсонларга беқийс бойлигимиз бўлиши ерни ишониб топириши мумкин. Лекин, афсуски, Тошкент вилоятида бу масалага панжа орасидан қаралиб, ризқ-рўзимиз ман-

баи бўлган ерни талон-торож қилишдек салбий ҳолатларга йўл қўйилмоқда, деди Илсом Каримов. Масалан, Янгийўл туманида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиб келинган 21 гектар унмудор ер қонунга эид равишда уй-жой қуриш учун ажратиб берилган. Ушбу ҳолатни яшириш мақсадида бу жой янгитдан ташкил этилган фермер ҳўжаликлари номига шунчаки расмийлаштириб қўйилган. Вилоят раҳбарлари эса бу масалада гўёки беҳабардек, томошабин бўлиб турган. Фақат юқори идоралар аралашганидан сўнг ана шу қонунбузарлик аниқланиб, туманнинг собиқ ҳоқими Қ. Пайзиев вазифасидан четлатилган ва жиний ҳўжабарликка тортилган.

Қибрай тумани ҳоқими Ш. Икромов ҳам амалдаги қонунчиликни қўпол равишда бузиб, 1,2 гектар қўп йиллик боғни уй-жой қуриш учун бериб юборган. Шунингдек, мазкур туманда ўтказилган текширишларда 6 та агрофирма ҳудудида 13 гектар боғ ўзбошимчилик билан бузиб ташланиб, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани аниқланган. Ҳозирги вақтда бундай бемаъни ишларга чек қўйиш бўйича тегишли идоралар томонидан чоралар кўрилмоқда.

Тошкент тумани ҳоқими С. Темиров қонунга хилоф тарзда Сабзавотчилик ва картошқачилик илмий тадқиқот институтига тегишли 10 гектар суғориладиган экин майдонини уй-жой қуриш учун бериб юборган, шу туманнинг Қўқсарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1,2 гектар суғориладиган ер майдони ҳам уй-жой қуриш мақсадида айрим шахслар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган, лекин туман раҳбари бу ерни давлатга қайтариш борасида ҳеч қандай чора кўрмаган.

Охангарон тумани собиқ ҳоқими О. Ибрагимов томонидан эса қумшағал қарьери ва завод қурилиши учун 10 гектар ер майдони юқори идоралар билан келишилмасдан, ўзбошимчилик билан "Авиасаноат индустрия" хорижий корхонасига ажратиб берилган. Шу тумандаги "Олмалик" ёрдамчи ҳўжалигини фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича комиссия раиси Б. Ачилов 16 гектар ер ажратиб бериш эвазига фуқаро А. Бадаловдан 900 АҚШ доллари миқдорда пора олаётганида ушланган.

Умуман, вилоятда ер билан боғлиқ қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан прокуратура органлари томонидан 2007 йилда 24 та, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида эса 40 та жиноят иши қўзғатилган ва айбдорлар суд ҳўкми билан

жиний ҳўжабарликка тортилган. Маълумки, юртимизда фермер ҳўжаликларининг ерларини тартибга келтириш, уларни оптималлаштириш масаласида Президентимиз томонидан махсус фармойиш қабул қилиниб, унда белгилаб берилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳозирги кунда бутун мамлакатимизда амалий ишлар олиб қилинмоқда.

Сессияда шу борадаги вазифалар яна бир бор таъкидланиб, ер майдони 15-20 гектаргача бўлган фермерларнинг йиллик фойдаси 5-6 миллион сўмдан ошмаётгани ва бу маблағ фақат жорий харажатларни қоплашга сарфланаётгани боис фермерда янги техника сотиб олиш, ернинг унмудорлигини ошириш, агротехник тадбирларни сифатли бажариш учун имконият етарли бўлмаслигига эътибор қаратилди. Шунинг учун пахта ва галлачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликларининг ўртача ер майдонини Тошкент вилоятида 60 гектардан 85 гектаргача етказиш бўйича иш олиб қилинаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз бу ўта муҳим ва долзарб масалада ҳар томонлама ўйлаб, ҳар қайси минтақа ва ҳудуднинг шароитига қараб иш тутиш, энг муҳими, фермер ҳўжаликларининг оптимал ер майдонини аниқлашда фермер ҳўжалигини ташкил қилмоқчи бўлган шахснинг салоҳияти, тажрибаси ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, иш тутиш, таъбир жоиз бўлса, етти ўлчаб бир кесиб зарур, шундангина бу ўзгаришлардан қутилган натижа ва самарага эришиш мумкин, деб таъкидлади.

Президентимиз сессия иштирокчилари эътиборини вилоятда пахтачилик бўйича оқсоқликка олиб келаётган яна бир масалага қаратди. У ҳам бўлса, маҳаллий шароитга мос келадиган, сифатли тола берадиган янги навларнинг яратилиши билан боғлиқ. Бу ҳақда қўп бор айтилганига қарамайдан, мазкур масалада сезиларли ўзгариш кузатилмапти.

Холбуқи, Тошкент вилояти ҳудудида 9 та илмий-тадқиқот бирлашмаси, нуфузли институт ва марказлар жойлашган. Масалан, "Пахта" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ғўза селекцияси ва уруғчилик бирлашмаси, Усимликларни химоя қилиш институти, Усимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институти ва бошқа йирик илмий муассасалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжа-

лик мутахассисларини тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти - Тошкент аграр университети ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мажлисда Тошкент вилояти раҳбарияти, мутасаддилари ва фаоллари ана шу илмий даргоҳларда хизмат қиладиган олимлар билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил қилиши зарурлиги қайд этилди. Бу масалани охиригача етказиш бўйича Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти масъулиятни ўзига олиб ташаббускор бўлиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Президент Илсом Каримов вилоятда ижтимоий соҳадаги мавжуд ахвол таҳлилига ўтар экан, бугун амалга оширилаётган барча ислохот ва янгиликларнинг самараси аввало уларнинг одамлар ҳаётига қандай таъсир ўтказаяётгани билан, вилоятда истиқомат қиладиган 2,5 миллиондан ортқ аҳоли бу ўзгаришларни ўз дастурҳониди, оила-сида, турмуш тарзида қанчалик сезаяётгани, эртанги кунга ишончи қай даражада мустақкам бўлиб бораётгани билан ўлчанади, деб таъкидлади.

Ўтган даврда маҳаллий ҳоқимлар ва мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги ва совуққонлиги туфайли 1991 йилгача қурилган қўпқаватли уйлари капитал таъмирлаш режаси Чирчиқ, Янгийўл, Ангрэн шаҳарлари, Бўка ва Оқўрғон туманларида бажарилмасдан қолган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ширкатларнинг моддий-техник базасини шакллантириш, уларга банк кредитлари ажратиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Оқибатда уларга юклатилган вазибалар тўлиқ ва сифатли бажарилмапти. Бу ҳолат Ангрэн, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида вилоятдаги 12 та шаҳар ва туман марказлари учун аҳолига иссиқлик энергияси етказиб берадиган вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси банкротлик ҳолатига келиб қолган. Лекин вилоят раҳбарияти бу корхонани молиявий инқироздан чиқариш, соғломлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўриш ўрнига, уни ўз қарори билан тугатиб юборган. Бу корхонанинг вазифаси эса шаҳар ва туманлардаги қозонхоналар зиммасига юклатиб қўйилган. Ишга шундай муносабат оқибатида 2008 йилнинг 1 ноябригача барча турдаги коммунал хизматлар учун тўлов муддати ўтказиб юборилган

қарзлар тахминан 100 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45 миллиард сўмга ошиб кетган.

Мажлисда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан бирга Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида коммунал соҳа бўйича мавжуд ахволни, қиш фаслида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиши ва ҳулоса чиқариши зарурлиги қайд этилди.

Сессияда Тошкент вилоятидаги энг ўткир муаммолардан бири бўлиши аҳолини, аввало ёшларни иш билан таъминлашнинг аҳоли ҳам таҳлил этилди.

Ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатга олинган ишсизлар сони 45 минг кишини, вақтинчалик ишларда банд бўлганларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 70 минг нафардан ортқини ташкил этмоқда. Айниқса, Охангарон, Бекобод, Оқўрғон, Покент, Уртачирчиқ ва Янгийўл туманларида янги иш ўринлари яратиш, шунинг ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи қониқарсиз бўлиб қолаятгани бўйича танқидий фикрлар билдирилди, бундай ҳолатлар юзасидан амалий чоралар қўриш лозимлиги ўқтирилди.

Шундан сўнг Президентимиз ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йўл қўйилган камчилик ва ҳатолар, бугунги кундаги барча соҳаларда қониқарсиз аҳолининг илдизлари ҳақида агрофлича тўхталиб, энг асосий сабаб, аввало, ҳар қайси раҳбар, қўпгина фаолларнинг ўз вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашиди, ўз ишини ташкил қилишга қурб етмаслигида, уларнинг замон талабларига жавоб бера олмамлигиди, бир сўз билан айтганда, уларнинг заифлигида кўринмоқда, деб афсус билан қайд этди.

Кейинги вақтда ўз ишида катта нўқсонларга йўл қўйгани учун Олмалиқ шаҳар ҳоқими А. Зокйрив, Паркент тумани ҳоқими А. Азаматов, Уртачирчиқ тумани ҳоқими М. Тиллабоев, Юқоричирчиқ тумани ҳоқими А. Фапаров эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Вилоятда юзага келган ахвол аввало, вилоят раҳбариятида, хусусан, биринчи раҳбарда талабчанлик ва қатъиятнинг етишмаслиги, унинг ишни тўғри ташкил қилишда заифлик қилгани билан боғлиқ. Айнан шу ҳудудий камчиликлар аксарият ҳолатларда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган, ўта бўш шахсларни раҳбарликка тайинлашга сабаб бўлгани махлис-

да кескин танқид қилинди. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятдаги 107 нафар мансабдор шахс турли қонунбузарликларга йўл қўйгани учун жиний ҳўжабарликка тортилган.

Юртбошимиз вилоятда истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масаласи қониқарсиз ахволда эканини таъкидлаб, Тошкент вилояти ҳоқимлигининг тавсиясига кўра, 1996-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 38 киши битиргани, улардан 17 нафари ўз жойига, 2 нафари ундан ҳам қўйи лавозимларга ишга тайинлангани, 2 нафари эса умуман иш билан таъминланмаганига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари бундай камчиликлар ҳақидаги фикрларини умумлаштириб, юқорида зикр этилган муаммоларнинг ечилмасдан қолаётгани кўп жиҳатдан вилоят раҳбарияти, биринчи навбатда 2006 йилдан буён Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажариб келаётган Зиявитдин Ниёзовнинг фаолияти талаб даражасида бўлмагани, очигини айтадиган бўлсак, бу шахснинг раҳбарлик масаласида заиф экани билан боғлиқ, деб таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. З. Ниёзов Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинди. Президент Илсом Каримов тавсиясига кўра, Қўқиччиқ тумани ҳоқими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳоқими этиб тасдиқланди.

Президентимиз мажлисга яқун ясар экан, қириб келаётган янги - 2009 йил юртимизда "Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинишининг Тошкент вилояти учун алоҳида аҳамияти ва моҳияти борлиги ҳақида тўхтади. Нега деганда, Тошкент вилояти - Ўзбекистоннинг марказий вилояти, узининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнатқ бўлиши ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир. Шунинг учун бугун сиз, азияларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўпмиллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчимиз: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва Ватанимиз тарққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида мана шундай дастурларни амалга оширишда ҳам ўзининг нималарга қодир эканини албатта намоян этади, деди пировардида Илсом Каримов.

(ЎЗА).

## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятларида қонунга хилоф ҳолатлар мавжудлиги йиғин иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.


Айниқса, аҳолининг йодланган ош тузи билан таъминланиш даражаси 50-55 фоиздан ошмаслиги, йод танқислиги оқибатида келиб чиқаятган буюқ касаллиги бошланғич шакллари тарқалиши ҳам 50-55 фоизни ташкил қиладигани, қонунда тақиқланган бўлишига қарамайдан, давлат санитария қоида ва меъёрлари даражасида йодланмаган, тарқибда йод миқдори етарли бўлмаган ёки йод элементини умуман бўлмаган ош тузлари ишлаб чиқарилиб, савдога чиқарилаётганини танқид қилинди.

Айни вақтда аҳолининг йод етишмаслиги касалликларига чалинишининг олдини олиш борасидаги профилактика масалаларига тегишли мутасаддилар томонидан етарлича эътибор берилмаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Шу билан бирга таълим масканларидаги ўқувчи ёшлар, маҳалла фуқаролари, туғиш ёшидаги аёллар орасида бу касаллик профилактикаси бўйича тушунириш ишлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган сай-харажатлар қоникарли эмаслиги танқид қилинди. Шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялар бошланғич ташкилотларининг ушбу масаланинг ечимини борасидаги фаолиятини ҳамда жамоатчилик назоратини янада қучайтириш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда мутасадди ташкилот ва идоралар учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.



Пойтахтимизда «Ўзбекгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини маҳаллий ҳамда хорижий харидорларга янада кенроқ таништириш, улар билан келгуси йилда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш мақсадида улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.



## ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Тадбирнинг очилиш маросимида кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан, тўқимачилик саноатида олиб берилаётган кенг қамрамини ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Пахта хом ашёсини мукаммал қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тўқимачилик тармоғига сармояларни жалб этиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, инвесторлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар

ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Айтиш жоизки, соҳага қаратилаётган эътибор туфайли ҳар бир ҳудудда замонавий технологияларга эга бўлган ўнлаб қайта ишлаш корхоналари барпо этилаётди. Масалан, биргина жорий йилнинг ўтган 11 ойида маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштирокида 20 та корхонанинг ишига туширилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Мазкур корхоналарнинг фаолият кўрсата бошланиши билан ип

калага тайёрлаш ҳажми 45,1 минг тонна, трикотаж матоси 2,4 минг тонна ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 22,85 миллион донага етди. Эътиборлиси, уларда қарийб саккиз мингта янги иш ўрни вужудга келди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда «Ўзбекгилсаноат» ДАК тарқибда 200 дан ортқ корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 100 дан зиёди чет эл сармоялари ҳисобига ташкил этилган. Корхоналарда маҳсулот

### Ярмарка

ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тобора ортиб бораёпти. Жумладан, жорий йилнинг шу давригача ана шу корхоналар томонидан 693 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди, 365 миллион АҚШ долларини маҳсулот эса экспорт қилди. Ярмаркага қўйилган маҳсулотлар сифатлилиги, бежиримлиги, бир сўз билан айтганда, харидор дидига мослиги билан бу ерга ташриф буюрувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис ўзаро ҳамкорлик қилишни истаганлар шу ернинг ўзида келгуси йил учун шартномалар ҳам тузишмоқда.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚҮРБОНОВ ошган суратлов.

## РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва уларнинг имкониятларини самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси директори Мухаммад Бегматов. — Бу борада вилоятимизда ҳам бир қатор ишлар қилинаётди. Жумладан, қоғоз ҳўжатлар электрон ҳўжатларга алмаштирилмоқда, электрон ҳўжатлар айланиши «ZyovNET» тармоғи орқали амалга оширилмоқда.

Семинар-тренинг давомида «Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштириш соҳасида қабул қилин-

ган қонунлар ва қонуности ҳўжатлари», «АКТИ ривожлантириш, интелектив давлат хизматларини шакллантириш ва жорий этиш бўйича ҳукумат қарорлари, давлат ахборот ресурслари ва тизимлари» мавзуларида мазрузалар тингланди. Тингловчилар электрон рақамли имзо, электрон ҳўжат айланиши, электрон тижорат, электрон тўловлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Шунингдек, компьютернинг дастурий таъминоти, ташкилотларнинг автоматлаштирилган бошқарув тизими, тузилиши, тарқиб, ахборотнинг сифат кўрсаткичлари — мазмундорлиги, долзарблиги, аниқ ва очқиқлиги, ишонарли ва барқарорлиги борасида ўзаро фикр алмашинди.

Д. ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири.

## Қонунийлик адолатни таъминлайди

Ички ишлар вазирлигида дастлабки тергов жараидида қонунчиликка риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда тергов идораларининг ролига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

### Анжуман

Вазирлик Тергов бош бошқармаси раҳбарияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш борасидадан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қаноққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда катта бурилиш ясаганлиги эътибор этилди.

Бошқарма масъул ходими тизимда олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил тўхтади. Хусусан, айни пайтда жойлардаги ички ишлар идоралари ва бўлимларида адвокатларнинг навбатчилиги ташкил этилган.

Матбуот анжумани якунида журналистларнинг саволларига агрофлича жавоблар берилди.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТУРГУН АЛИМАТОВ

Ўзбекистон санъати ва маданияти оғир жудолликка учради. Атоқли санъаткор, миллий музикасининг улкан намояندаси Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов 86 ёшида вафот этди.



Турғун Алиматов 1922 йилнинг 20 январида Тошкент вилоятининг Келес кишлоғида туғилди. 1937-40 йилларда у Тошкент педагогика институтининг ишчи факультети қўшидаги музика тўрагага қатнашиб, созандалик сирларини эгаллади.

У Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши жангларда қатнашди. Сўнгра Ёш томошабинлар театрида, Муқимий номидаги музикали драма театрида, кўп йиллар давомида Ўзбекистон радиоси хузуридаги Халқ чолгулари оркестрида созанда сифатида хизмат қилди.

Т. Алиматовнинг меҳнат фаолияти 1970 йилдан бошлаб Маком ансамбли билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Ушбу ижодий жамоа аъзоси сифатида у бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлиши Шашмаком туркумидаги, Фарғона-Тошкент йўлидаги ноб маком намуналарининг миллий музика хазинасининг олтин фонди учун ёзиб олиншида алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Созандалик борасида ўзининг бетакрор услубига эга бўлган Турғун Алиматов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган "Дутор навоси", "Тановар", "Чоргоҳ", "Муножот", "Наврўзи Ажам", "Бузрук", "Куйгай" каби мумтоз музика намуналари халқимиз қалбидан чуқур ҳоли эгаллади.

Атоқли санъаткор қариб чорак аср давомида Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга сабоқ бериб, ўнлаб истеъдодли шогирдлар тайёрлади.

Устоз санъаткор Ўзбек музика санъатини чет элларда кенг тарғиб этишга ҳам катта ҳисса қўшди.

Т. Алиматовнинг миллий музика санъатимиз аъёналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан уносиб тақдирланиб, у "Ўзбекистон халқ артисти" юксак унвани ҳамда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган эди.

Беназир созанда, санъатимиз фидойиси, камтарин инсон Турғун Алиматовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Р. ҚУРБОНОВ, А. ИСМОИЛОВ

Қисқа сатрларда

Ҳиммат

Олтинкўл туманидаги Қўштепасарой кишлоғининг Асакалик маҳалласида истиқомат қилаётган Исмоилжон ота Хайитов ҳамқишлоқларига ўз жамғармаси ҳисобидан ҚВП қурдириб берди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Таълим маркази

Фарғона Давлат университетда Европа-Ўзбекистон ўқув маркази иш бошлади. Марказ асосан ўрта махсус касбий таълим ўқитувчилари ва мутахассисларига "Темпус" Европа лойиҳасининг фарб стандартлари бўйича таълим беради.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги коллеж иш бошлади

Элбод шаҳарчасида КиМё-технология коллежи очилди. Айна пайтда 540 ўринга мўлжалланган, 100 ўринли ётоқхонага эга маъмурият кассабўйича даргоҳида Кўнйирот сода заводи учун мутахассислар тайёрланмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Француз тилини ўрганамиз

Қўшқўпир туманидаги жаҳон тилларини чуқур ўргатишга ихтисослашган 1-мактаб-интернатда француз тили ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали Собир Раҳимов телефон боғламаси

кириб келаётган Янги 2009 йил билан муборакбод этиб, кўйидаги манзилларда истиқомат қилувчи фуқаролар ва корхоналарни телефон ўрнатиш учун таклиф қилади:

- Собир Раҳимов тумани, Ёшлар шаҳарчаси: 58, 60, 61-уйлар.
Собир Раҳимов тумани, Себзор мавзеси: 3, 4, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21-уйлар.
Собир Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси: 1, 2, 3, 3 А, 3 Б, 4, 4 А, 4 Б, 6, 7, 8, 9 А, 9 Б, 9 В, 10 А, 10 Б, 10 В, 10 Г, 10 Д-уйлар.
Собир Раҳимов тумани, Мирза Ғолиб кўчаси, 1-участка: 1, 3, 6 А, 7, 8-уйлар.
Собир Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси: 14, 15, 16, 16 А, 16 Б, 16 В, 17-уйлар.
Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза мавзеси: 1, 1 А, 1 Б, 1 В, 2, 2 А, 2 Б, 2 В, 3 А, 3 Б, 3 В, 4, 4 А, 4 Б, 4 В, 5, 6-уйлар.
Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Ҳўжаев кўчаси: 7, 8, 9, 10, 11, 41-уйлар.
Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси: 8-уй.
Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ мавзеси: 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24 А, 24 Б, 24 В, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 30 А, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37/38, 39, 40, 42, 43, 44, 51 А, 51 Б, 52, 53, 54 А, 54 Б, 59, 60 А, 60 Б, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 75-уйлар.

Хўжжатларни расмийлаштириш истагидагилар Собир Раҳимов телефон боғламасининг мижозларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўлимига мурожаат этишлари лозим.
Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозов кўчаси, 21-уй.
Иш вақти: ҳар кун соат 8.00 дан 19.00 гача, шанба кун соат 9.00 дан 15.00 гача.
Маълумот учун телефонлар: 227-87-07, 228-89-30, 228-72-92.

Хизматлар лицензияланган

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бунга ТИФ Миллий банки Андижон бўлими муносиб улуш қўшмоқда

Мамлакатни ислоҳ этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технология янгилаш, иқтисодийни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, спекулятив кредитлардан воз кечилгани, чет эл инвестицияларини имтиёзли ва узоқ муддатли фойз ставкаларида жалб этишга алоҳида эътибор берилётгани иқтисодийни тармоқларининг жадал ривожига туртки бермоқда.

Халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган кредитлар самарадорлиги бозорларимизнинг ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан тўлаётганида намоён бўлмоқда. Масалан, «Андижон уни» қўшма корхонасига полиетилен қоплар тайёрлаш учун 300 миллион сўм ажратилган эди. Айна пайтда унинг маҳсулотлари вилоятдаги ички бозорни қон

лат қилаётди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида режа 126,1 фоиз уддалангани мазкур молиявий муассасанинг кредит бериш имконияти кенгайиб бораётганини кўрсатади.
— Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш масаласи ҳам диққат-эътиборимизда, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Ғафуржон Абдураҳимов. — Фуқароларимизга ҳар томонлама манфатли омонатлар жорий этилаётганини боис уларнинг банкка қўзғилиши охири бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида омонатларга 5263 миллион сўм маблағ қўйилгани бунинг тасдиғидир.

Буни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Андижон вилояти бўлими фаолияти мисоллари ҳам қўриш мумкин. Ушбу бўлим қатор халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб этиб, ички бозоримиз ва экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни модернизациялашга ҳисса қўшмоқда.

Банк бўлими иқтисодийнинг бошқа тармоқларига ҳам хоржик сармоясини актретиш борасида талайгина ишларни олиб бормоқда. Жумладан, Хитойнинг юқорида номи зикр этилган банки маҳаллаларида «Тошрух» хусусий корхонасига шифер ишлаб чиқариш учун 125 миң АҚШ доллари, «Навигул» қўшма корхонасига 100,7 миң АҚШ доллари мисолларида узоқ муддатли кредитлар ажратилиш режалаштирилган. Бу маблағлар ҳам йил охиригача корхоналарга берилиши мўлжалланаётди.

Молиявий муассаса ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб, аҳолига яратилётган қўлайликларни, хизматлар турини кўпайтирмоқда. Бу ерда «Контакт», «Быстрая почта», «Ангелик», «Азия Экспресс», «Мигом» ва «Вестерн юнион» каби халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали дуненинг исталган жойига пул юбориш ёки пул олиш мумкин.

Х. КАРИМОВ. 1

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳаводан ҳужум

Туркия жанговар самолётлари Ироқ шимолдаги Курдистон илчи партиясига (КИП)га тегишли объектларга навбатдаги ҳаво ҳужумларини амалга оширди. Бу ҳақда «АФР» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Расмий Анкара маълумотларига қараганда, нишонга олинатган ҳудудларда КИПнинг икки мингга яқин аъзоси жойлашиб олган.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Туркия, АҚШ ва Ироқ давлатлари Курдистон илчи партиясига айирмачиларига қарши биргаликда курашиш бўйича кўмита тузишга келишиб олишган. Шунга асосан декабрнинг илк кунларидан ушбу йўналишда ҳарбий юриш бошлаб юборилган.

Табиат синови

АҚШнинг жануби-шарқида бир неча кундан буён ноқулай об-ҳаво кузатишмоқда.

Шу боис, мазкур ҳудудларда буюн содир бўлиш хавфи юзага келгани ҳақида аҳоли огохлантирилган.

«Associated Press»нинг маълум қилишича, айна кунларда Пенсильвания, Нью-Жерси, Теннесси, Арканзас, Оклахома, Кентукки, Иллинойс, Канзас, Миссури, Висконсин, Колорадо, Юта, Небраска, Аризона, Нью-Мексико, Невада штатлари ҳамда Колумбия округида кучли қор ва ёмғир ёзмоқда.

Ғойиб бўлган самолёт

Доминикан Республикасининг Сантьяго шаҳридан парвозни амалга оширган йўловчи самолётни бедарк йўқотишди.

«Atlantis Airlines» авиакомпаниясига тегишли бўлган мазкур ҳаво лайнери ёниги қўйиш учун Багамага қўйиб ўтиши лозим эди. Лекин самолёт парвозидан 35 дақиқа ўтиб, экипаж аъзоларидан фалокатга йўлиққанликлари ҳақида хабар келган. Кейин эса у қузатув радаридан йўқолиб қолган. Самолёт бортида 11 нафар йўловчи бор эди.

Воқеа жойида қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Нарх тушиб кетганлиги учун

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) ўзининг навбатдаги йилгилишида «қора олтин» қазиб олишни кунига икки миллион баррелга камайитириш ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳажмини икки марта қисқартирганди. Ташқиёт жаҳон бозорида нефть нархининг тушиб кетаётгани сабабли шундай йўл тутишга мажбур бўлмоқда.

Айтиб ўтиш кераки, жаҳон биржаларидаги сўнги савдолар чоғида бир баррель «қора олтин» баҳоси 45 АҚШ долларигача пасайиб кетган. ОПЕК таҳминларига қўра, бу маҳсулот аслида 70-90 АҚШ доллари атрофида сотилса, мақсадга мувофиқдир.

Муттасил ёмғир сабаб

Испаниянинг Майорка шаҳридаги «Sol Moll» меҳмонхонасининг энг тепа — тўққизинчи қавати кулаб тушди.

Фалокат содир бўлган пайтда меҳмонхона девяри бўм-бўш эди. Шундай бўлса-да, бахтсиз ҳодиса тўғрисида турт нафар хизматчи ҳаётдан кўз юмди.

Таҳминларга қўра, бир неча кундан буён муттасил ёғатган ёмғир бино томига жиддий зарар етказган бўлиши мумкин. Мазкур ҳодиса юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЕВРООКНА И ДВЕРИ
• изготавливаются на заказ по немецкой технологии на немецком оборудовании
• из дерева высококачественных хвойных и лиственных пород
Тел.: 775-45-75, 269-15-33, факс 262-39-66, e-mail: toemz1@sarkor.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»
Цена - от 1 365 000 сум.
Ду, мм Типоразмер Мин. расход, Qмин, м³/час Максим. расход, Qмакс, м³/час
25 G10 0,16 16(25)
40 G25 0,40 40(65)
65 G65 1,00 100(160)
Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 14, д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат»)

Республика Кўчас мулк биржаси — 15 ёшда!
«РЕСПУБЛИКА КЎЧАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
болшангич баҳоси босқинча-босқинчи олиб бориш тартибида ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!
2009 йил 6 январь кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижроичилари томонидан қуйидаги мол-мулклар арзонлаштирилган баҳода такроран қўйилмоқда:
I. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан, хатланган «Тумуён» — Урганч минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14296,65 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли мазмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолар.
Жорий болшангич баҳоси — 195 090 278 сўм.
II. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2007 йил 17 декабрдаги 1498-сонли ижро варақасига асосан, хатланган «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловчи ташиш» ОАЖга тегишли бўлган, қурилиш ости ер майдони 447,32 кв.м.ни ташкил қилган 2 қаватли мазмурий бино.
Жорий болшангич баҳоси — 166 827 328 сўм.
III. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 370-сонли ижро варақасига асосан, хатланган «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
1. «Магнум-8940» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15-73 ЕН бўлган техник соз трактор.
Жорий болшангич баҳоси — 55 618 560 сўм.
2. «Магнум-8940» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 15-74 ЕН бўлган техник соз трактор.
Жорий болшангич баҳоси — 56 332 800 сўм.
IV. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 майдаги 1966-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, И. Досов кўчасида жойлашган 1-сон ишлаб чиқариш филиали

худудидаги силикат гиштдан қурилган, қурилиш ости ер майдони 489,36 кв.м.ни ташкил қилган 3 қаватли мазмурий бино ва қозонхона биноси.
Жорий болшангич баҳоси — 271 200 000 сўм.
V. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан, хатланган «Хоразм автойўл» махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Халқа йўли, 7-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
1. «Хундай экус» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, давлат рақами 22АА100 бўлган автотранспорт воситаси.
Жорий болшангич баҳоси — 52 000 000 сўм.
2. «Хундай грейнджер» русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, қора рангли, давлат рақами 22АЕ100 бўлган автотранспорт воситаси.
Жорий болшангич баҳоси — 40 000 000 сўм.
3. Корхонанинг Урганч шаҳри, Хива шоҳқўчаси, 1 км.да жойлашган, умумий ер майдони 32792,37 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 4940,34 кв.м.ни ташкил қилган автобаза бино ва ишхоналар.
Жорий болшангич баҳоси — 670 879 сўм.
Савдога қўйилган мулклар билан суд ижроичилари бўлими вакили билан ёки мулк жойлашган ташкилотнинг бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш савдо болшангичидан бир кун олдин тўхтатилади.
Мазкур савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан, мулк болшангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека банк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.
Лицензия: ДВ 001 №000004.
Манзил: Урганч шаҳри, И. Бобононов кўчаси, 23-уй.
Телефонлари (8-362) 226-32-63, 226-43-64. www.rkmb.uz
Савдоларга марҳамат!
Газетанинг 16 декабрь сонидида чоп этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижроичилари бўлими томонидан аукцион савдосига қўйилган, «Jisong Korea Industrial» ККга тегишли 18 та бино ва 3 та ишоот бўйича аукцион савдосининг муддати — 2008 йил 20 январь кун соат 11.00га ўзгартирилди. Тел. 228-79-52.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ
2009 йилнинг I чоригида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:
САРИЁФ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.
Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нибёбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги муддати — 2008 йил 26 декабрь кун соат 17.00 гача.
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор, ЎзР Фанлар академиясининг академиги Мурод ШАРИФҲУЖАЕВИЧ ШАРИФҲУЖАЕВИЧ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Сибей менеджмент ва халқаро журналистика кафедраси доценти Сатторжон Обладолова турмуш ўртоғи Муаззам МИРЗАЕВИЧ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси кинооператор Абдурашид ХОДЖАЕВИЧ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарини ва бирлашган касабда уюшма кўмитаси Араб филологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Фарида Ҳамидовага турмуш ўртоғи Веломжон ШОКИРОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва Бирлашган касабда уюшма кўмитаси академиги Мурод ШАРИФҲУЖАЕВИЧ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

